

**“Жиззахдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти акциядорларининг  
навбатдан ташқари умумий йиғилишининг  
34/2022-2023-сонли баённомаси (КУЧИРМА)**

**21 ноябрь 2022 йил**

**Жиззах шаҳри.**

Йиғилишда жамият кузатув кенгаши аъзоси А.Қўчқоров сўз олиб, саноқ комиссиясининг ахборотига кўра кўра, жамият акциядорларининг бугунги умумий йиғилишида 8887593 та овоз бериш хуқуқига эга бўлган 305 та акциядорлардан 8401460 та овоз бериш хуқуқига эга бўлган 4 нафар акциядорлар рўйхатдан ўтганилигини, бу жами овоз берувчи акцияларнинг 94,53 фоизни ташкил қилиши, шу сабабли йиғилишни ўтказишга ваколат (кворум) йиғилганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш бўйича овоз беришларини сўради:

тарафдор 8401460 та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Кўпчилик овоз билан акциядорларнинг умумий йиғилиши очик деб эълон қилинди. Шунингдек, йиғилишда жамият бошкаруви раиси К.Яхяев, бош хисобчи Э.Қўчқоровлар хам иштирок этмоқда.

Йиғилишни олиб бориш учун бугунги ўтказиладиган акциядорларнинг умумий йиғилишига А.Қўчқоров раислик қилиш ва Ж.Гоипов котиблик қилиш ҳақидаги таклиф акциядорлар томонидан очик овоз билан маъқулланди.

Тарафдор – 8401460 та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

**КУН ТАРТИБИ:**

- 1) Йиғилиш регламентини тасдиқлаш;
- 2) Саноқ комиссияси сон ва шахсий таркибини тасдиқлаш;
- 3) Менглиев Абдусамат Файратовични жамият кузатув кенгаши аъзолигидан чиқариш.
- 4) Жамият кузатув кенгаши аъзолигига “Ўзданмаҳсулот”АК томонидан киритилган Турдиев Зиёвуддин Бахтиёровични сайлаш.
- 5) Жамиятнинг 2022 йил 9 ой якуни бўйича хисобланган соф фойдасидан акциядорларга дивиденд ажратиш.

Овоз бериш натижаларини ҳисобга олиб, “Жиззахдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши,

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Йиғилиш регламенти тасдиқлансин.
2. Бугунги ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига кузатув кенгаши томонидан тузилган 3 кишидан иборат саноқ комиссияси сон таркиби хамда У.Норқулов, Ф.Холбўтаев ва Н.Маматовлар номзодлари тасдиқлансин.
3. Менглиев Абдусамат Файратович жамият кузатув кенгаши аъзолигидан чиқарилсин.
4. “Ўзданмаҳсулот”АК томонидан киритилган номзод Турдиев Зиёвуддин Бахтиёрович жамият кузатув кенгаши аъзолигига сайлансин.

5. Жамиятнинг 2022 йил 9 ой якуни бўйича олган соф фойдаси **4 996 411,0** минг сўм 50 фоизи **2.498.205.500** сўми жамият акциялари учун дивидендга, шундан **63500** сўми жамиятнинг 2540 дона имтиёзли акциялари учун 25 сўмдан, **2.498.142.000** сўми жамиятнинг 8.887.593 дона оддий акциялари учун хар бирига 281,082 сўмдан ва соф фойданинг дивидендга ажратилган қисмидан қолган **2.498.205.500** сўми жамиятнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун резерв капиталига йўналтирилсин, дивиденд тўлови муддати 60 кун деб белгилансин.

6. Мазкур қарор ижросини таъминлаш жамият ижро органига юклатилсин.

**Йиғилиш раиси:**

**А.Қўчқоров.**

**Йиғилиш котиби:**

**Ж.Гоипов.**

**Баённома 2022 йил \_29\_ ноябрда тузилди ва имзоланди.**

*Кузатув Кенгашига сайланган номзод Турдиев Зиёвуддин Бахтиёровичнинг паспорт маълумотлари: АА 1317921. 25.04.2013 йилда Тошкент вилояти, Қибрай туман ИИБ томонидан берилган яшаши жойи: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 21 квартал, Бирлик МСГ, 13-йй-42-х.*